2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 109 (1170), 2024 йил 4 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь куни ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Дунёда иқтисодий вазият қийинлашган ҳозирги шароитда кўпроқ иш ўрни яратадиган, инвестиция ва экспортни кўпайтирадиган соҳаларни қўллаб-қувватлаш зарур. Туризмда бундай салоҳият катта. Бу соҳага йўналтириладиган ҳар бир доллар келгусида 3-4 баробар даромад келтиради. Ҳар бир янги иш ўрни бошқа тармоқларда яна 2 та иш жойи ҳосил қилади.

Мамлакатимизда тарихий, маданий ва хушманзара гўшалар кўп. Уларнинг негизида туризм масканлари, меҳмонхоналар барпо этилди. Тартиб-таомиллар соддалаштирилиб, сайёҳлик бизнесига қулайлик яратилди. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди.

Ўтган йил октябрда Самарқандда бўлган Бутунжаҳон туризм ташкилоти форуми доирасида 2 миллиард 300 миллион долларлик инвестициявий келишувларга эришилган эди. Улар орасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, янги масканлар барпо этишга қаратилган лойиҳалар кўп.

Жумладан, хорижий инвесторлар томонидан Шаҳрисабз тумани Ғелон ва Сарчашма қишлоқлари орасида 3 минг гектарли тоғчанғи мажмуаси ташкил қилиш бошланди. Мираки қишлоғи бўйича ҳам мастер режа ишлаб чиқилмоқда.

Бу туманнинг тарихи ҳам, табиати ҳам диққатга сазовор. Қолаверса, Шаҳрисабз шаҳри Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг “2024 йилдаги туризм пойтахти”, деб эълон қилинган.

Шу боис, у ерда туризмни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Биринчи галда Шаҳрисабз шаҳри ва Шаҳрисабз туманида туризм кластери ташкил этилади. 33 километрли Ҳисорак — Ғелон ва Ҳисорак — Сарчашма йўли кенгайтирилиб, таъмирланади. Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўли яхшиланиб, Самарқанддан Шаҳрисабзга қатнов вақти қисқаради.

Ғелондан ўтувчи Оқсу дарёсида қуввати 24 мегаваттли 3 та гидроэлектростанция ишга туширилади. Натижада туризм кластерида электрдан муаммо бўлмайди. Шаҳрисабз туризм техникумида Швейцария дастури асосида йилига 100 нафар мутахассис тайёрланади.

Бундай ишларни Оҳангарон, Ургут, Нурота, Янгиқўрғон, Поп, Чортоқ, Бойсун, Сариосиё, Бахмал, Фарғона каби туризм салоҳияти юқори 20 та туманда ҳам қилиш мумкинлиги таъкидланди. Мутасаддиларга хорижий консультантларни жалб этган ҳолда бу борада мастер режа ишлаб чиқиш топширилди.

Маълумки, яқинда “Бойсун баҳори” халқаро этно-фестивали бўлиб ўтди. Бибиширин маҳалласида 6 миллион долларлик 4 юлдузли меҳмонхона, амфитеатр ва ўтовлар қурилди. Кўнгилочар шоулар ўтказилди. Натижада Сурхондарёга сайёҳлар келиши 4 карра кўпайди.

Умуман, ёшларнинг экстремал туризмга қизиқиши йилдан йилга ошяпти. Бу йўналишни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Ёз кунларида аквапарк ва бассейнларга талаб ошиши табиий. Соҳага ажратилган маблағлар доирасида меҳмонхоналарда бассейнлар қурилмоқда. Лекин ҳудудларда туристларни ўзига тортадиган замонавий аквапарклар йўқ.

Табиий кўллар атрофидаги туризм имкониятлари ҳам ишга солинмаяпти. Масалан, Миришкор туманидаги Сечанкўл ва Ачинкўл бўйида бирорта дам олиш маскани йўқ. Айдар-Арнасой кўллар тизими овчилик ва экотуризм учун жуда қулай.

Шулардан келиб чиқиб, аквапарклар қуриш ҳамда кўллар бўйида лойиҳалар қилиш учун ерлар аукционга чиқарилиши белгиланди.

Пандемиядан кейин тиббиёт ва соғломлаштириш туризмига талаб кучайган. Юртимиздаги санаторий ва тиббий муассасаларда ўтган йили 60 мингдан зиёд хорижий турист даволанган. Охирги беш йилда хусусий клиникалар кўпайгани билан атиги иккитаси халқаро сертификатга эга. Албатта, булар жуда кам.

Чунки бизда тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини уйғунликда ривожлантириш бўйича яхлит ёндашув йўқ. Аслида, тиббий туризмнинг ўзидан йилига 300 миллион доллар экспорт қилиш мумкин.

Шу боис, Жанубий Корея, Туркия ва Ҳиндистон тажрибаси асосида “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури бошланиши эълон қилинди.

Энди хусусий клиникаларнинг халқаро аккредитациядан ўтиш, хорижий кўргазмада қатнашиш харажати бюджетдан қопланади. Клиникаларга келган чет элликлар учун қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилади. Хорижга бориб, тарғибот-диагностика хизматини кўрсатган шифокорларнинг транспорт ва яшаш харажатлари тўлаб берилади.

Шу мақсадда шифохона ва санаторийларни халқаро сертификатлаш, малакали менежерларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Анъанавий фестивалларнинг доимий аниқ саналарини белгилаш, чегарадан ўтишни янада соддалаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Туризм ривожига халал бераётган яна бир муаммо транспорт билан боғлиқ. Чет элларда туроператорлар чипталарни камида олти ой олдин сотиб олади, шунинг учун “саёҳат тўплами” арзон. Бизда эса самолёт ва поездга чипта олиш қийин, бир-икки ой қолганда топилмайди ҳам.

Шу боис, Транспорт вазирлигига халқаро рейсларни кўпайтириш, барча қатновлар ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президент мамлакатимиз туризм салоҳиятини тўлиқ кўрсатувчи глобал тарғибот кампаниясини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлаб, қатор ташаббусларни баён қилди.

“Миллий туризм бренди”га контент яратиш учун танлов ўтказилади. Бу йил Тошкентда, келгуси йилда Хивада халқаро гастрономик фестиваллар ташкил этилиб, 300 дан зиёд миллий таомларимиз тарғиб қилинади. “Электрон-виза” тизими янада такомиллаштирилиб, мобил иловаси ҳам ишга туширилади.

Тарғиботда телевидение билан бирга, ижтимоий тармоқлардан ҳам кенг фойдаланилади. Аудиторияси катта чет эллик блогерлар учун инфо-турлар ташкил қилинади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқот қилди. Уларнинг муаммолари ва таклифларидан келиб чиқиб, туризм хизматларини экспортолди молиялаштиришни йўлга қўйиш, туроператорларга қўшилган қиймат солиғини субсидия сифатида қайтариш муддатини узайтириш, туризм географиясини кенгайтириш, миллий меҳмонхона брендларини яратиш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва хорижда малакасини ошириш каби кўплаб таклифлар бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимиз туризмни ривожлантириш бўйича жамоатчилик кенгаши тузишни таклиф қилди. Соҳа вакиллари ва тадбиркорлар буни мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Мутасаддилар бу йил 11 миллион хорижий сайёҳни жалб этиш ҳамда туризм экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имкони борлигини айтиб, режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

Муносабат



# БУХОРО ЯНА ДУНЁ ИЛМ-ФАН МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

**Президентимизнинг халқ ҳаёти, ҳудудлар иқтисодиёти билан танишиш мақсадида шу йил 31 май — 1 июнь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи ислоҳотларнинг суръатини яна бир бор намойиш қилди. Ташриф давомида турли касб, соҳа вакиллари билдирган самимий фикрлар янгиланишлар самараси, халқимизни рози қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ташаббусларнинг ўзига хос акс садоси бўлди.**

## Бараканинг асоси

Тизимни ривожлантиришга қаратилаётган муттасил эътибор туфайли бугун маҳалла халқимизнинг дарду ташвишини эшитиб, ҳал қиладиган ислоҳотлар марказига, маънавият ва тарбия масканига айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан ҳар бир маҳаллада “еттилик” ташкил этилди.

*Давоми 2-бетда*

Янгича ёндашувлар

**Жаҳон тажрибасида университетлар олдига сифатли таълим бериш ва натижали тадқиқотлар олиб бориш каби икки асосий мақсад қўйилган. Аммо замонавий университетлар бу билан чегараланиб қолмай, учинчи муҳим мақсадни ҳам илгари суради.**

# УЧИНЧИ МАҚСАД

## ёхуд олийгоҳлар жамият келажагини қандай шакллантиради?

Бу мақсад университетлар ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда жамиятни ҳаракатлантирувчи куч, драйвер бўлиши, жамиятнинг технологик ва гуманитар ривожига муносиб ҳисса қўшиши, бозор талабларини ўрганган ҳолда ўзининг инновацион потенциалидан келиб чиқиб, нафақат мамлакатда, балки бутун дунёда муайян муаммоларга ечимлар таклиф этиши, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш стратегияларини ишлаб чиқиши билан ифодаланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда олий таълим тизими туб ислоҳотларни бошдан кечирди ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Айниқса, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида тизимни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Миллий таълим тизимимиз, юқорида таъкидлаганимиз — учинчи мақсад стратегик йўналиши туфайли муҳим ўзгаришларга юз тутди. Ушбу концепция сабаб ўқитиш ва тадқиқотлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

*Давоми 5-бетда*






Буюк ўзбек йўли

# *Нажот — профессионаллик,* МАСЪУЛЛИК ВА ШАЙЛИКДА

**Бугунги ўзгаришлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, жаҳон халқлари орасида шаклланган азалий алоқаларнинг ҳозирги трансформацияси, жараёнлар шиддати ҳар қандай сиёсатчи, экспертларнинг ҳайратини оширмоқда, ягона, тўғри хулоса чиқаришни янада қийинлаштирмоқда. Бир томондан қарасанг, дунёнинг глобаллашуви инсоният яшаб турган заминни кенгайтириб юборгандек бўлади, бошқа тарафдан назар солсак, бу дунё янада торайиб қолгандек.**



Кенгайишининг сабаби барчага аён: инсониятнинг тақдири энди алоҳида олинган бир давлат ёки туркум давлатлар сиёсатигагина боғлиқ эмас. Масалан, Марказий Осиё давлатлари тинчлиги, аҳолиси турмуш даражасию хотиржамлиги дунёнинг деярли барча минтақаларидаги мамлакатлар сиёсати, иқтисодиётига бевосита боғлиқ. Дунёнинг кенгайиб бораётганини шу маънода тушуниш мумкин.

Биз яшаб турган курраи заминнинг янада торайиб бораётганини эса жаҳон ҳамжамиятининг тобора бир-бирига яқинлашиб бориши, дунё мамлакатлари ва халқларининг азалий қадриятлар — тинчлик, хотиржамлик, ўзаро ҳамкорлик борасида янада жипслашаётгани, тинчликсеварлик, инсонпарварлик ғоялари остида ягона оила ғояларининг аста-секинлик билан бўлса-да, шаклланиб бораётганида кўриш мумкин.

Мазкур ҳолатлар барча давлатлар ва халқлар тақдирида ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Бу ҳолни биз жорий йил 26-27 майдаги Ўзбекистон ва Россия музокаралари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Учрашувда ҳар икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг муттасил равишда ўсиб бораётгани қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва Россиядан инвестициялар ҳажми кўпаяётгани, саноат кооперацияси ривожланаётгани мамнуният билан таъкидланди. Айниқса, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакли — ҳудудлар ҳамкорлигининг тўла маъно-мазмунга эга бўлиб бораётгани бундай алоқаларни реал воқеликка айлантиришнинг кафолати бўлмоқда.

Кейинги пайтларда мазкур ҳамкорлик, унинг ҳар икки давлат ва мамлакатлар халқларига берадиган имконияту имтиёзлари ҳақида кўп ёзилди, фикрлар билдирилди. Шу ўринда бундай ҳамкорлик нафақат Ўзбекистоннинг Россия билан, шунингдек, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари тараққиёти учун муҳим бўлган бошқа бир масала хусусида алоҳида тўхталиш лозимлигини сезиб турибмиз.

Бу ана шу ҳамкорликни амалга оширувчи раҳбарлар, айниқса, кўп минг сонли мутахассис-кадрлар салоҳияти, малака, кўникма, компетенциялари сифати, халқ тилида айтадиган бўлсак, “ишнинг кўзини билиши” билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, ҳар қандай ишнинг сифати, одамлар учун фойдалилик даражаси мутахассиснинг профессионаллигига боғлиқ.

Профессионалликни бирор касб асослари ва маҳоратини эгаллаш, меҳнат маданияти, мезонлари ва тамойиллари мажмуини намоён қилишдан иборат ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ҳар қандай ислоҳот тақдири ҳам шахснинг профессионаллик даражасига боғлиқ. Бу, айниқса, мамлакат ва миллатнинг ўз тараққиёти мавжуд босқичдан янги ривожланиш йўлига ўтадиган пайтларда жуда зарур бўлган масаладир.

*Давоми 3-бетда*

**Бухоро олий таълим, илм, маърифат марказига айланмоқда. Биргина Бухоро давлат университетида 232 докторант тадқиқот олиб боряпти. Уларнинг 170 нафари ёшлар. Узоқ йиллар вилоятда олий таълим муассасалари сони 4 та эди. Бугун эса 12 тага етди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Муносабат



# БУХОРО ЯНА ДУНЁ ИЛМ-ФАН МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

> **Ҳозир Пешку ва Жондор туманларидаги касб-ҳунар мактабларида ёшларга иссиқхона ва лимонария бўйича билим ва тажрибасини ўргатиб келяпти. Юртимизнинг бир неча туманидаги ҳамкасбларига 20 гектарга етадиган лимон кўчати етказиб берди. Шогирдлари кўп, ҳозиргача 1500 га яқин фермер ва томорқачига иш ўргатди.**

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор**



Бошланиши 1-бетда

Маҳалла ўз пули, бюджетига эга бўлди, ҳар бир кўчанинг драйвери аниқланди. Бу янгиликлар маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантирди. Жумладан, ўтган йили Бухоро вилоятининг юзлаб маҳалласида бирорта жиноят содир этилмади.

Хўш, бунга қандай эришиляпти?

Президентимиз даъвати билан бугун ҳамма ташкилот раҳбарлари маҳаллага боряпти. Олдинлари битта кишини ишли қилишга қийналган маҳалла бугун кредит, субсидия бера бошлади. Одамларни қўллаб-қувватлаб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашяпти. Хорижда юрганлар билан гаплашяпти, дардини эшитиб, дармон топяпти. Оиласи бағрига қайтариб, хориждагидан кўпроқ даромад топиш мумкинлигини кўрсатяпти. Масалан, жорий йилнинг шу кунига қадар Қоровулбозор тумани "Бўзачи" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 27 мигрант оиласига қайтарилди. Бандлиги таъминланди.

— Бухоро бугун ҳар томонлама ўзгаряпти. Бухороликларнинг орзуси рўёбга чиқяпти. Бундан биз жуда-жуда миннатдормиз, — дейди меҳнат фахрийси, Ғиждувон туманидаги Қорабоғ маҳалласи фаоли Давлат ота Ўринов. — Дунё алғов-далғов бўлиб турган паллада Президентимиз Ўзбекистонимизни қароқдаги кўздай авайлаб турибди. Муқаддас китобларда "Бараканинг асоси сабр ва шукрда", дейилади. Халқимиз сабр ва шукрни маҳкам ушлаб, янада жипс бўлиб ҳаракат қилса, Яратган юртимизга баракасини бераверади.

## Олий таълимга қамров 17 фоиз ошди

Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлиб келган. Кейинги йилларда мана шу шуҳрати жадал тикланяпти. Бу шуҳратнинг драйвери нима? Интилганни қўллаб-қувватлаш, рағбат.

Мактабларда янгича таълим муҳити яратилди. Конституциямизда, "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонунда ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди. Улар мажбурий меҳнатдан, ортиқча қоғозбозликдан озод бўлди. Йиллар давомида биз учун бош оғриғи бўлиб келган давомат муаммосига ечим топилди.

Ўз устида ишлаган, фаол муаллимларга бир неча хил устама берилмоқда. Энг иқтидорли, лойиҳалар ғолиби бўлган ўқитувчилар чет элларга бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб қайтяпти.

— Бугун бир гапни очиқ айтишим керак: шунча йил умумтаълим мактабида ишлаб,



ўз фанимни биламан, "Йил ўқитувчиси" танлови ғолибиман, деб юрган эканман. Охирги 3 йилда Бухоро шаҳридаги Президент мактабида ишлаб, билим ва тажрибам ортганини, дунёқарашим ўзгарганини сезяпман, — дейди биология фани ўқитувчиси Қамбар Болтаева. — Иқтидорли ўқувчиларга дарс бериб, ўзим ҳам IELTS ҳамда биология фанидан Кембриж сертификатига эга бўлдим. Педагог меҳнатига эътибор натижасини мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови ошганида яққол кўрсак бўлади. Бу кўрсаткич 4 йилда Бухоро вилояти бўйича 37 фоиздан 54 фоизга чиқди. Жумладан, мактабимизни тугатган 24 битирувчининг барчаси муддатидан олдин талаба бўлди. Эътиборлиси, улар бир неча хорижий университетларга бирдан қабул қилинди. Аммо 13 нафари "Янги Ўзбекистон" университетини танлади. Қолганлари юртимиздаги бошқа нуфузли олий ўқув юртларида давлат гранти асосида ўқимоқда.

Бухоро олий таълим, илм, маърифат марказига айланмоқда. Биргина Бухоро давлат университетида 232 докторант тадқиқот олиб боряпти. Уларнинг 170 нафари ёшлар. Узоқ йиллар вилоятда олий таълим муассасалари сони 4 та эди. Бугун эса 12 тага етди. Бундан бир неча йил олдин кимдир Бухорода 12 та ОТМ бўлади, деса, ҳеч ким бунга ишонмасди.

Ёши улуғ устозлар, профессор-ўқитувчилар авваллари мамлакатимиз пойтахтидагина илмий кенгашлар бўлганини эслайди. Вилоятда яшаб, пойтахтга қатнаб диссертация ёқлашнинг азоби ҳақида айтишади. Бугун эса бухоролик докторант ўз шаҳрида, ўз университетида илмий ишини ёқлаш имкониятига эга. Бундан ташқари, вилоят тадқиқотчи ёшларининг дунёга чиқиши учун ҳам барча имконият бор. Ҳозир "Эл-юрт умиди" жамғармаси гранти асосида 37 бухоролик йигит-қиз хорижда ўқимоқда. Бу рақам 5 йил олдин нолга тенг эди.

## Цитрус мевалар боғбони

Нусрат Сайидов пешкулик. Бизнеси — боғдорчилик, лимончилик. Тиришқоқлик ва яратилган шароит уни оддий томорқачидан лимончиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари ва мулкдорга айлантирди. Нусрат фермернинг яна бир ҳунари бор. У бизнес тренерлик ҳам қилади. 2017 йилда "Пешку лимончилик равнақи" фермер хўжалигини ташкил этди. Ундан сўнг "Пешку лимончилик мактаби"га асос солди.

Ҳозир Пешку ва Жондор туманларидаги касб-ҳунар мактабларида ёшларга иссиқхона ва лимонария бўйича билим ва тажрибасини ўргатиб келяпти. Юртимизнинг бир неча туманидаги ҳамкасбларига 20 гектарга етадиган лимон кўчати етказиб берди. Шогирдлари кўп, ҳозиргача 1500 га яқин фермер ва томорқачига иш ўргатди.

Нусратдан бошқа бўлса, мана шу муваффақиятидан қониқиб, ҳузур қилиб яшар эди. Лекин у тўхтамади. Украина, Туркия ва Исроилга бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб келди. "Менинг боғим" кўрсатувида 13 марта чиқиш қилди. Телеканалларда "Лимончилик сирлари" номи билан унинг 39 та муаллифлик кўрсатуви намойиш этилди. Бугун Нусрат ака цитрус мева етиштириш бўйича мамлакатимизда пешқадамликни эгаллаб турибди.

Излаган имкон топаркан. Нусрат ака қишда газсиз, ёқилғисиз дала иссиқхонасида ҳосил олиш тажрибасини ўзлаштирди. Бунинг учун маҳаллий шароит ва имкониятлардан фойдаланди. Унинг методи нафақат ўзбекистонлик, балки дунё фермерларини қизиқтириб қўйди. Яқинда унга Польшадан қўнғироқ қилиб, "Польшага келиб, лимончиликни ривожлантириб беринг", дейишди. Нусрат ака "Раҳмат, узр. Мен аввал ўз халқимга хизмат қилай. Кейин гаплашамиз", деб бу таклифни рад этди.



— 10 сотих ерда газдан фойдалансам, 25 миллион сўмлик газ кетарди. Ҳозир бир сўм ҳам кетмаяпти. 25 миллион сўм ёнимда қоляпти. Ҳам газни тежадим, ҳам помидорнинг таннархи арзон бўлди. 15 майдан бозорга чиқардим. Ҳозиргача 45 миллион сўмдан кўпроқ даромад олдим, — дейди фермер. — Маҳалламизда 5 мингга яқин одам яшайди. Уларнинг 100 гектардан ортиқ томорқаси бор. Шундан 57 гектарида, яъни 1040 та хонадоннинг 950 тасида Пешку тажрибаси асосида иссиқхона ишлаб турибди. Илгари бекор ётган бебаҳо ер бугун эгаларининг даромад манбаига айланди. Бундан бухоролик томорқачилар жуда миннатдор. Энди биз тўхтамаймиз. Бухоронинг ҳар бир қарич еридан барака ундирамиз.

## Ипак қоғозга хорижда талаб юқори

Бухоро — ҳунармандлар юрти. Бугун вилоятда 6,5 мингдан ортиқ ҳунарманд бор. Улар 15 мингдан зиёд ёшга ўз ҳунари сирларини ўргатиб келмоқда.

Асрлар давомида бухоролик ҳунармандларнинг маҳсулотлари жаҳонни кезиб юрди. Аммо уларнинг ўзи Бухородан чиқмай, жаҳонни кўрмай ўтди. Мана бугун ҳунармандлар энг нуфузли кўргазмаларда қатнашиб, дунё кезмоқда. Биргина мисол: ҳунарманд, миниатюрачи-рассом, "Уста Даврон миниатюра маркази" раҳбари Даврон Тошев 10 дан ортиқ мамлакатда шахсий кўргазмасини ташкил этди.

Ҳунармандларга кўплаб имтиёзлар беріляпти, субсидиялар ажратиляпти, ҳунармандчилик марказлари қуриляпти. Бухоро "Зардўзлик ва заргарлик", "Ипак ва зираворлар" каби халқаро фестивалларга мезбонлик қилмоқда. 2024 йилда ўтказилган "Зардўзлик ва заргарлик" фестивалига 60 дан ортиқ давлатдан 300 га яқин ҳунарманд келди.

— Мен раҳбарлик қилаётган марказ Президентимизнинг ҳунармандликни янада ривожлантириш тўғрисидаги фармони асосида 2019 йили иш бошлади. Бухорода 100 йиллар давомида йўқолиб кетган, қўлда тайёрланадиган ипак қоғозни ишлаб чиқаряпмиз. Шогирдларим билан уларда миниатюра санъат асарлари яратяпмиз, — дейди Даврон Тошев. — Марказимизда тут пўстлоғи, пахта ва ипакдан қоғознинг 3 хилини ишлаб чиқаряпмиз. 6 уста қоғоз тайёрлаш ва миниатюра сирасрорини турли вилоятлардан келган 30 дан зиёд ёшга ўргатмоқда. Қўлда ишлаб чиқариладиган қоғозларимизга хорижда талаб тобора ортиб боряпти. Биз бир қанча хорижий давлатларда маҳорат дарслари ўтиб, ўзбек миниатюра санъати сирларини ўргатиб келяпмиз. Яратилган шароит, имконият ва имтиёзлар учун юртимиздаги барча ҳунармандлар чуқур миннатдорлик туйғуси билан яшаяпти.

Халқаро экспертлар фикри

# ХИВА ШАҲРИ ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ МАҚОМИГА ЭРИШДИ

## Бунда Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар муҳим роль ўйнади

**Ўзбекистонда "Хива – 2024 йилда ислом дунёсининг туризм шаҳри" деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган тадбирлар муваффақиятли ўтди. Хусусан, Хивада Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари иштирокидаги мувофиқлаштирувчи қўмитанинг 9-йиғилиши, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти туризм вазирлари ислом конференциясининг XII сессияси, ИҲТга аъзо мамлакатларнинг бой маданий меросига бағишланган кўргазма, шунингдек, "Паҳлавон Маҳмуд — Strongmen games" турнири ташкил этилди.**

Тадбирлар давомида сайёҳлар оқимини кўпайтириш, янги туризм йўналишларини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик ва тўсиқсиз туризм имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ИҲТ Туризм кенгашига раислик қилиш ваколати Ўзбекистонга ўтди.

ИҲТга аъзо давлатлар туризм вазирлари йиғилишида Ўзбекистон раислиги доирасида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, "яшил" ва барқарор туризм, "ақлли" туризм, сайёҳлик логистикаси ва бошқа йўналишларда самарали лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилишига ишонч билдирилди.

Тадбирнинг хорижлик иштирокчилари "Дунё" ААга интервьюларида туризм вазирларининг "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм шаҳри" шиори остида бўлиб ўтган ислом конференцияси ҳақидаги фикрларини билдирди.

### Басмаҳ АЛ-МАЙМАН, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (UNWTO) Яқин Шарқ бўйича минтақавий директори:



— Ислом ҳамкорлик ташкилотига (ИҲТ) аъзо давлатлар туризм вазирларининг қадимий Хива шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиши ислом дунёсида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда кўплаб иштирокчи давлатлар учун устувор йўналиш бўлган барқарор туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Туризм инфратузилмасини яхшилаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш асосий масалалардан бири бўлди.

Шубҳасиз, туризм соҳасига инвестиция жалб этиш мавзуси устувор бўлди. Янги иш ўринлари яратиш, инфратузилмани яхшилаш ва туризм йўналишлари рақобатбардошлигини оширишда инвестициялар муҳим ўрин тутади. Умид қиламанки, бу масалалар муҳокамаси мамлакатларимизнинг жаҳон сайёҳлик бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишига ёрдам беради.

Маданий ва тарихий меросни ҳурмат қилишга асосланган туризм барқарор дунёни барпо этишимиз учун кучли восита бўлиши мумкин.

### Моҳамаду Манель ФАЛЛ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Сенегалдаги туризмни ривожлантириш бўйича директори ва координатори:



— Ўзбекистонда яна бир бор бўлганимдан жуда хурсандман. Ўтган йили Самарқандга келиш насиб этганди, бугун эса Хивадаман.

Хиванинг 2024 йилда ислом дунёси туризм пойтахтига айланишида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида кечаётган кўплаб ислоҳотлар муҳим роль ўйнади. Виза тизими соддалаштирилиши, маданий меросни асрабавайлаш бўйича фаол чора-тадбирлар ва тарихий шаҳарларни кенг кўламли ободонлаштириш каби ислоҳотлар алоҳида ажралиб туради.

Бу саъй-ҳаракатлар туризм инфратузилмасини модернизациялаш билан бирга Хиванинг халқаро миқёсда эътироф этилишига, ислом оламининг маданий-тарихий бойлиги тимсолига айланишига имкон берди.

### Ризо ГЕЙТАСИ, эронлик таниқли полвон, "Паҳлавон Маҳмуд — Strongmen games" турнири ғолиби:



— Бу йил "Паҳлавон Маҳмуд — Strongmen games" халқаро турнирида учинчи бор иштирок этдим. Аввал ҳам Ўзбекистондаги ушбу турнирда икки марта ғолиб бўлганман. Жорий мусобақада ушбу муваффақиятни такрорлаб, учинчи совринимни қўлга киритдим. Барча синовлар қийин кечди. Оғирлиги 90 ва 120 килограмм бўлган оқ харсангларни маррагача олиб бордик. Мен ушбу вазифани 20 сонияда бажаришга муваффақ бўлдим.

Ўзбекистонга самимий қабул учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Хива бой тарих ва маданиятга эга ажойиб шаҳар. Турнир эса энг юқори даражада ташкил этилди. Муҳит ҳам жуда ҳайратланарли. Ушбу омиллар мени энг юксак натижалар кўрсатиш ва янги ғалабалар сари руҳлантирди.

### Рехам САМИР, Миср туризм вазири ёрдамчиси:



— Бу Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Сафар менда катта таассурот қолдирганини ишонч билан айтишим мумкин. Конференция юқори даражада ташкил этилган. Бу ердаги инсонлар ниҳоятда самимий ва исталган вақтда ёрдам беришга тайёр.

Туризм вазирлари ислом конференциясининг 12-сессияси жаҳон туризм саноати келажаги билан боғлиқ қатор долзарб ва муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун иштирокчиларни бирлаштирган ноёб имкониятга айланди. Сессияда инфратузилмани такомиллаштириш, туризм ривожида хусусий секторнинг ўрни ва соҳа ходимларининг касбий малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда замонавий шароитда туризмни барқарор ва инновацион тараққий эттиришнинг асосий омили бўлган инфратузилмани рақамлаштириш муҳимлиги урғуланди.

> **Туризм вазирлари ислом конференциясининг 12-сессияси жаҳон туризм саноати келажаги билан боғлиқ қатор долзарб ва муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун иштирокчиларни бирлаштирган ноёб имкониятга айланди.**

**"Дунё" АА**
*Хива шаҳри*

**Бугунги мутахассис, сўзсиз, ўз ишининг устаси, моҳир ижрочи бўлиши керак. Бироқ унинг бу сифатлари юксак тарбияланганлик, ватанга садоқат билан хизмат қилишдан иборат амалий фаолият, миллатга чексиз ҳурмат кўрсатиш ва ҳар қадамда унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиш каби фазилатлар билан безанмас экан, бундай мутахассисни ҳар томонлама шаклланган, дейиш қийин.**

yuz_official yuz.uz_news yuz

Буюк ўзбек йўли

# Нажот — профессионаллик, масъуллик ва шайликда





**Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор**

Бошланиши 1-бетда

Бугун Ўзбекистонда худди шундай жараённи кўришимиз мумкин. Биз янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс асосларини қуришдан иборат катта марралар сари юз бурдик. Бу ўта оғир, машаққатли вазифа эканини тушуниб турибмиз.

Бу борада Президентимиз бот-бот такрорлаб, барчамиздан ўз ишининг устаси, профессионали бўлишни талаб этмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзига эътибор бериш жоиз: **“Бугун Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўлмоқда.**

**Янги Ўзбекистон орзуси амалиётга, реал воқеликка айланмоқда. Аммо бу осонликча, ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Янги жамиятни барпо этиш, авлодларимиз учун ёруғ келажакни яратиш эҳтиёжи барчамиздан улкан масъулият, фидойилик ва бунёдкорликни талаб қилмоқда”.**

Ҳақиқатан, бугунги жаҳоний эврилишлар ҳаддан ташқари тез ривожланиб бораётган, сиёсатлар, нуқтаи назарлар, қадриятлар ўзгариб кетаётган бир даврда ўз мамлакати иқтисодини ривожлантирмаган, барча соҳаларда келажак капитали захирасини оширмаган, қолаверса, миллатнинг яратувчанлик жараёнига бўлган эҳтиёжини муттасил қондиришнинг энг мақбул усулларини, йўлларини изламаган ҳар қандай давлат ва миллат эртага аттанг деб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу маънода, биз учун муҳим бўлган вазифаларни адо этиш, кўзланган мақсадларга етишнинг ўта зарур омилларидан бири — шахснинг профессионаллик даражасини бу борадаги ҳал қилувчи восита сифатида тушуниш лозим. Айни пайтда бугунги таҳликали замонда тинимсиз ҳаракат қилиш, яратиш, ихтиро этиш барчамизнинг мақсадимизга айланиши керак.

Профессионаллик сўзини ўзбекчада ўз ишининг устаси, моҳир ходим, ишнинг кўзини билувчи мутахассис, тинмай изланувчи, яратувчи сифатида тушуниш мумкин. Бугун мамлакатимизда том маънодаги профессионалларни тайёрлаш ва ишончли захирасини шакллантириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар қилинмоқда.

Айниқса, таълим соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон жамиятининг эртанги кунга ишончини янада оширмоқда. Олий таълим борасида халқона тизим яратилди. Бу гапнинг маъноси шуки, энди олий маълумот олишни ният қилиб, унга астойдил тайёргарлик кўрган, келажагини олдиндан тасаввур қила олган ҳар қандай йигит-қизга институт, университет, академиялар эшиги очиқ. Бугунги ёшларимиз ҳар қандай истеъдод билимлардан қувват олиши зарурлигини, фақат билимлар профессионалга ўз салоҳиятини амалда қўллаш имконини бериши мумкинлигини англаб етди.

Хўш, йигит-қизларимиз олий таълим муассасасини тамомлади ҳам дейлик. Энди ундан мамлакат ва миллат нимани кутяпти? Бугунги битирувчи замоннинг шиддати, дунёда содир бўлаётган жиддий ўзгаришларни ҳис этяптими, у турли талабларга касбий нуқтаи назаридан, мутахассислик бўйича тўлиқ жавоб бера оляптими? Дейлик, бугунги олий таълим муассасасини битирган ёш ходим, мутахассис ўз соҳасининг устаси, ишнинг кўзини билувчанлик қобилиятига эга бўляптими?

Буларнинг бари бутун жамиятни хавотирга солаётган саволлардир. Гап шундаки, профессионаллик олий таълим муассасасининг дипломи борлиги билангина ўлчанмайди. Профессионаллик узоқ йиллар давомида изланишлар, ўз устида қатъий режалар асосида ишлаш, ўзини қийнаш асносида шаклланади.

Шу маънода, назаримизда, профессионаллик сифатлари орасида қуйидаги омиллар асосий ролни ўйнайди: **мақсадни тўғри танлаш, бўлажак касбнинг ўнқир-чўнқирларини яхши тасаввур этиш, билими, малакасини мунтазам ошириб боришга табиий эҳтиёжни шакллантириш, жаҳонда рўй бераётган цивилизациявий ўзгаришлар, илм-фан янгиликларидан мунтазам хабардор бўлишга ҳаракат қилиш, ҳар бир ҳаракатига танқидий кўз билан қараш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун куч тўплай олиш, ўзгалар фикрини эшитишни билиш ва бунга ҳурмат билан муносабатда бўлиш маданиятини ўзлаштириш.**

Шунингдек, профессионалликка ходимнинг ўз касбий маҳоратини оширишдан иборат бўлган жараён сифатидагина қарашни унчалик тўғри деб бўлмайди. Шахс профессионаллигида унинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳам бугун алоҳида аҳамият касб этаётир.

Дунёда турли мафкуравий-ғоявий зиддиятлар кескинлашиб, қадриятлар қадрсизланиши авж олиб, одамларда ўз ватани, миллатига нисбатан турли салбий муносабатлар шаклланиши кучайиб бораётган бир даврда мутахассиснинг профессионаллиги унинг фақат касбий маҳорати билангина ўлчанмайди. Ходимнинг профессионаллик даражасини безайдиган, унга руҳий қувват берадиган ҳолат масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари билан боғлиқ.

Бугун Ўзбекистон жамиятига замонавий билимларга эга, ўз устида тинмай ишлайдиган, соҳаси бўйича янгиликларни ахтариб топишга уқуви бор, ишлаб чиқариш соҳасида новаторлик кайфиятига эга мутахассис ходимлар жуда-жуда керак.

Бироқ айни пайтдаги планетар ўзгаришлар, ҳақиқатан, моҳир мутахассислар, профессионаллар дунёқарашидаги салбий нуқтаи назарлар мамлакат ва миллат тақдирига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли катта эканидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам мутахассиснинг маҳорати, профессионаллиги кўпроқ шахснинг маънавий-ахлоқий даражаси билан ўлчанмоқда. Дунёнинг ўзи асли инсоннинг одоби, ахлоқи, маданиятию маънавияти асосига қурилган. Конфуцийнинг 2,5 минг йиллар аввал айтган **“Агар ахлоқ-одобларини мукаммаллаштирмасалар, ўрганганларини такрорламасалар, зиммаларига юкланган масъулиятларини бажармасалар ёки ўзларидаги камчиликларни тузатишга ҳаракат қилмасалар, мен бундан қаттиқ қайғураман”** деган гапи бугун ҳам долзарблигини асло йўқотгани йўқ.

Назаримизда, бугунги мутахассиснинг профессионаллиги, энг аввало, ўз миллати, юртига муносабатида акс этиши лозим. Бунда мутахассис профессионаллиги ватанга садоқати, ўз манфаатини ҳеч қачон жамият ва миллат манфаатларидан устун қўймаслик, ўзининг, жамиятнинг, миллатнинг манфаатлари уйғунлигини амалда кўрсата билишга мойиллиги, ўзгалар муаммоларини ҳал этишга бўлган қарашларида акс этади.

Мутахассиснинг том маънодаги профессионаллик даражаси ундаги адолат, инсонпарварлик, самимийлик, тўғрилик каби сифатлар билан уйғунлашгандагина бу ходимдан яхши натижа кутиш мумкин. Бундай одамлар Ўзбекистон тарихида жуда кўплаб бўлган. Улар ҳар бир ҳаракати ила яхшилик қилишдан чарчамаган, ватан ва миллат шаъни-шарафини ҳар нарсадан устун қўйган. Уларни кўҳна тарихимизда жавонмардлар, ахийлар ёки фатийлар деб аташган.

Қадимги Хуросон, Мовароуннаҳр ўлкалари шаҳарларида X асрдан бошлаб жавонмардлик ёки футувватчилик ҳаракати анча кенг ёйилган эди. Футувватчилар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаерда бўлмасин, нима иш билан шуғулланмасин, мардлик ва олижанoблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашарди. Улар наздида дунё бойлиги эмас, инсон қадри устун турган, олтин-кумушни жавонмардлар назар-писанд қилмаган, балки уни маънавият тараққиёти учун бир восита деб қараганлар.

Ҳар қандай мутахассиснинг профессионаллиги унинг ишга қатъият билан ёндашувида билинади. Профессионаллик мутахассиснинг ўз касби сифатида танлаган ихтисослигини қай даражада тўғри танлаганига ҳам боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда кўплаб янги олий таълим муассасалари очилмоқда, авваллари ўйлаб хаёлингга келмаган ихтисосликлар пайдо бўлмоқда.

Аммо ҳозирги ёшларда ўз мутахассислигини танлаш имконияти қанча кўп бўлса, уларнинг орасида бу борада адашишлар ҳам шунга монанд. Мазкур ҳолатни эътиборга олган ҳолда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон учун энди соҳасини мукаммал биладиган, замон талабларига жавоб берадиган, креатив фикрлайдиган ходимлар жуда зарур. Ўзбекистон кечагина аграр-индустриал мамлакат эди. Бугун эса биз индустриал-аграр давлатга айландик. Бу дегани, энди бизга юқори технологияларни чуқур ўзлаштирган, замонавий фикрлайдиган, жаҳон илм-фанисиз тараққиётни тасаввур эта олмайдиган, кам харажат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олишнинг йўлларини биладиган профессионаллар керак.

Профессионаллик ҳар биримиздан ишга меҳр ва муҳаббат билан ёндашувни талаб этади. Бунга эришиш осон эмас. Аслида, муҳаббат идеал тушунча ҳисобланса-да, уни реаллик даражасига кўтармасдан бирор ижобий натижага эришиш мумкин эмас. Инсон профессионаллигининг муҳаббат ила намоён бўлиши оқибатида ишлаб чиқаришда сифат ва сон кўрсаткичлари уйғунлигига эришилади, қўлга киритилган ютуқдан фахрланиш ҳисси шаклланади. Бундан эса алоҳида олинган фуқаро ва пировард маънода бутун жамият манфаат кўради. Шу орқали мутахассиснинг профессионаллик мақоми ватанига чексиз садоқатини реал кучга айлантиради. Буюк мутафаккир Иоганн Вольфганг Гёте 250 йил аввал бундай деган эди: **“Биз энг юксак ниятларимизни улар инсониятга қанчалик фойда келтиришини ҳисобга олган ҳолда ифода этишимиз керак. Қолган барча нарсалар онгимизда сақланиб, худди булут орасидаги қуёшнинг майин шуъласи мисол йўлимизни ёритиб туриши лозим”.**

Ҳар қандай профессионалликнинг маънавий-ахлоқий пойдеворини инсоннинг, конкрет вазиятда мутахассиснинг ўзи танлаган ихтисосликка меҳр-муҳаббати ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, мутахассис ўзи танлаган соҳага меҳр қўймаса, ундан руҳий қониқиш ҳосил қилмаса, сўзсиз, яхши натижага эриша олмайди. Бу борада қониқиш ҳосил қилиш учун эса таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги зарур.

**“Таълим,** — дейди буюк Абу Наср Форобий, **— сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракатга, касб-ҳунарга берилган бўлишидир. Агар улар иш, касб-ҳунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”.**

Инсоннинг профессионаллиги ҳақидаги мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги мутахассис, сўзсиз, ўз ишининг устаси, моҳир ижрочи бўлиши керак. Бироқ унинг бу сифатлари юксак тарбияланганлик, ватанга садоқат билан хизмат қилишдан иборат амалий фаолият, миллатга чексиз ҳурмат кўрсатиш ва ҳар қадамда унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиш каби фазилатлар билан безанмас экан, бундай мутахассисни ҳар томонлама шаклланган, дейиш қийин.





Биз мақоламиз номини “Нажот — профессионаллик, масъуллик ва шайликда” деб атадик. Ушбу триадада “масъулият” сўзи алоҳида аҳамият касб этади. “Масъулият” сўзи инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида қиладиган хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, ижтимоий аҳамиятга эга тартиб-қоидаларга риоя қилиш маданиятини англатади. Ҳақиқатан, биз доимо “масъулият” сўзини ишлатсак-да, аммо унинг ҳаётда амал қилиш қоидалари, уни англаш одобига эътибор қилмаймиз. Бошқача айтганда, “масъулият” сўзи шахс лафзидан чиққандан сўнг унинг салмоғи, аҳамияти, ижтимоий нуфузи ниҳоятда катта кучга айланишини ҳамиша ҳам ҳазм қилавермаймиз.

Назаримизда, “масъулият” сўзи кенг маъноларда ифода этилиб, унинг шахс, жамият, давлат муносабатларини аниқлашдаги ўрни жуда катта. Мана унинг айрим жиҳатлари: масъулият маънавият нуқтаи назаридан ёндашилганда бурч, ижтимоий маънода жамият ва бошқалар олдидаги ижтимоий қарздорлик, маъмурий жиҳатдан ижтимоий тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда тутувчи жамоатчилик назоратининг намоён бўлиши, ҳуқуқий ёндашувда эса юридик жавобгарликни англатадиган серқирра ва кенг маъноли тушунча.

Яна, назаримизда, бизнинг инсон сифатида жамият ва давлат, шунингдек, макро ва микромуҳитда яшаш тартиб-қоидаларимизни белгилаб берадиган ва шу орқали ички маданиятимиз ва маънавиятимизни кўрсата оладиган феномен ҳодисадир. Ана шу феномен ҳодиса барчамизни миллат ва мамлакат олдида турган улкан стратегик мақсад ва вазифаларни қай даражада уддалашимизни рўёбга чиқаришга куч берувчи омилдир.

Кейинги 7-8 йиллар мобайнида одамларимизда мамлакат ва миллат тақдирига бефарқлик муносабатлари анча камайгани рост. Чунки жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, ислоҳотлар, кишилар онгида тобора мустаҳкамланиб бораётган розилик аломатлари улардаги масъулият ҳиссини янада мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Аммо дунёда содир бўлаётган маънавий-ахлоқий емирилишлар, ахлоқсизликнинг ижтимоий мавқега эга бўла бориши, қадриятлар трансформацияси, шубҳасиз, айрим эътиқоди суст кишиларда фуқаролар, жамият ва миллат олдидаги масъуллик ҳисси камайишига таъсир этмоқда. Натижада жамиятдаги ижобий ўзгаришлар, туб ислоҳотларнинг маъно-мазмунини тушуниб етмаётган айрим шахсларда масъулиятсизлик аломатлари пайдо бўлмоқда. Масъулиятсизликнинг кўринишлари, назаримизда, топширилган ишга нисбатан бефарқлик муносабати шаклланиши, жамият олдидаги бурчни сезмаслик, сезган тақдирда ҳам уни назар-писанд қилмаслик, мавжуд муҳитда ўрнини топа олмаслик, мамлакат ва миллат тақдирини ўйламаслик, шахсий манфаатларга устувор аҳамият бериш каби салбий ҳолатлар асосида намоён бўлади.

Унутмаслик керакки, масъулиятсиз одамлар бир нафаслик ҳою ҳавас олдида ўзини тўхтата олмайди. Улар учун энг муҳими айни пайтдаги манфаатга етиш ва бу йўлда ҳар нарсага тайёр туришдир. Масъулиятсизлик пировард натижада инсонни ўзлигидан айиради, жамиятда обрўсизланишини тезлатади, бебурдга айлантиради. Жамиятда бугун учраётган айрим салбий ҳолатлар — давлат томонидан белгиланган мақсад ва режаларни бажаришдаги сусткашликлар, бажарилаётган ишлар сифатидаги нуқсонлар, шунингдек, давлат мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ коррупцион ҳаракатлар, одамлар орасида баъзан учраб турадиган норозиликлар — буларнинг барини муайян мазмунда масъулиятсизлик оқибати, дейиш мумкин.

Хўш, айрим одамларда ана шу масъулиятсизликнинг пайдо бўлиш сабаблари нималарда кўринади? Назаримизда, масъулиятсизликнинг онаси учта ҳолатда яққол намоён бўлади. Биринчидан, масъулиятсизлик шахсда мустаҳкам эътиқоднинг йўқлигидандир. Соғлом эътиқод инсондан ватан ва миллат манфаатларига хиёнат қилмасликни талаб этади.

Иккинчидан, масъулиятсизликнинг пайдо бўлиши инсонда ғоясизлик оқибатида шаклланиши мумкин. Ғоясизлик инсонни мавҳумликка, тубанликка йўналтиради. Ғоясиз одам ҳар қадамда адашади, яхши билан ёмоннинг, оқ билан қоранинг фарқига бормайди. Ундай одамлар одатда хавфли, очиқ душмандан ҳам хатарли бўлади. Шунинг учун ғоявий жиҳатдан соғлом инсон йўлидан адашмайди. Инсон ғоялардан қанчалик узоқлашган сари ҳиссиётлар қулига айланиб бораверади.

Учинчидан, масъулиятсизлик ўзини оғир ишлардан четга оладиган, енгил йўллар билан мақсадга эришишга уринадиганларда кўпроқ учрайди. Бекорга алломаларимиз “Кимки фаолият кўрсатмоқчи экан — тинчлигини унутсин”, демаган. Яшаш учун курашнинг масъулияти, қийинчиликлар олдидаги эсанкирашлар, илм ва тажрибанинг сустлиги, бировларга суяниб яшашга ўрганиб қолиш, ўз хато ва камчиликларини ўзгалар ортига ўтиб яширишга уринишлар — буларнинг бари, назаримизда, масъулиятсизликни янада кучайтирадиган омиллардир.

Масъулият ҳақида фикр юритар эканмиз, сўзсиз, яна бир жиҳатга эътибор беришимиз лозим. Бу инсоннинг ўзига қўядиган талаби масаласи. Дарҳақиқат, биз, инсонлар бу масалада ҳам кўпинча адашамиз, тўғри йўлни танлашда хатога йўл қўямиз. Масалан, негадир давлат олдига, турли идора, ташкилотларга талаб қўйишни биламиз-у, аммо ўз олдимизга талаб қўйишни кўп ҳолларда унутиб қўямиз.

Ўзимизга талаб қўйишни билмаслигимиз нўноқлигимиз учун эмас, балки дангасалик касалига мубтало эканимиз оқибатидир. Чунки одамнинг ўзига талаб қўйиши ўзини қийнаш билан баробар. Шунинг учун Президентимиз ўз чиқишларида бежиз бирор натижага эришиш учун ўзимизни қийнашимиз керак, деб бот-бот таъкидламайди. Одамларнинг ўзини қийнаши пировард мақсадда уларга жўшқинлик ато этади. Аслида, катта ютуқларга эришишнинг манбаи ҳам, ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб, уларни бажаришда ноанъанавий йўлларни топишга интилиш ҳам, қўлга киритилган муваффақиятдан ғурурланиш ҳам кишини жўшқинлик билан безайди.

Шунингдек, масъулиятли одам ҳафсаласиз, ҳамма нарсага умидсизлик, бефарқлик билан боқадиган, ўзига ишончи йўқ, азалий қадриятларни писанд қилмайдиган, пессимист одам эмас. Масъулиятли одам учун ҳаётнинг бош мезони — жўшқинлик. Жўшқин ҳаёт ва фаолият инсонни фаоллаштиради, ҳар доим жамиятда муносиб ўрнига эга бўлишга ундайди.

Мамлакат ва миллат тараққиётини тезлаштирувчи омиллардан яна бири ҳар биримиздаги шайлик сифатидир. “Шайлик” сўзи одатда кўпроқ ҳарбий атамалар доирасида ишлатилади. Шунингдек, шайлик жанговарликни, фавқулодда ҳолатларда қаҳрамонликлар кўрсатишга ундаш маъносини ҳам англатади.

Шайлик жасорат кўрсатишни ҳам талаб этади. Ўзбек тилидаги “жасорат” сўзи у ёки бу инсоннинг юксак маънавияти, ахлоқий даражасини кўрсатувчи, жамият, миллат манфаати йўлида сафарбар этиш имконини белгиловчи омил ҳисобланади. Табиат бизга жасорат кўрсатиш имконини берган. Демак, бу ҳамманинг қўлидан келади. Айримлар жасорат тушунчасини ўта хавфли, мураккаб, таҳдидлар кучайган шароитдагина қўллаш мумкин, дейди.

Бу мутлақо нотўғри фикр. Ёш йигит-қизларнинг кундалик ҳаёти, турмуши жасорат майдонидир. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ва сифатлироқ товар ишлаб чиқариш, маҳсулот етиштириш, янгиликлар яратиш, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, жамият ва миллат олдида масъуллигини кўпроқ ҳис этиш — буларнинг барчаси жасорат кўрсатиш билан тенг.

Жасорат кўрсатиш ҳамманинг қўлидан келади. Аммо ҳамма ҳам унга журъат этмайди. Жасорат кўрсатишга уринмайдиганлар ўз имкониятини билмайди, “ўзларини ўзлари енга олмайди”. Ўзини ўзи енгиш — жасорат кўрсатишнинг бир йўли. Эски Австрия армиясида алоҳида орден ташкил этилган бўлиб, у аскарлардан низомда талаб қилинган ҳаракатлардан ташқарида қаҳрамонлик қилганларга берилган. Демак, жасорат кундалик бажараётган ишимиздан ортиқроқ, сифатлироқ, камхарж бажариладиган, жамиятга кўпроқ фойдаси тегадиган фаолиятдир. Жасорат фақатгина фуқароларни ҳимоя қиладиган, хавфсизлигини таъминлайдиган ҳаракатгина эмас. У оддий мутахассис, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, тиббиёт ходими, тадбиркор, фермер, қурувчи — барча-барчага тегишли.

Бироқ, назаримизда, дунёнинг тобора тез ўзгараётгани, турли маданиятлар, цивилизациялар, мафкура ва ғоялар кураши кескинлашиб бориши барчамиздан сиёсий-ижтимоий, мафкуравий масалаларда шайликни талаб этмоқда. Ўзининг мавжуд ҳолатидан қониқиш ҳосил қилган ҳар қандай давлат, миллат, инсон бугунги мусобақали дунёда кўп нарсани йўқотади, эртага кеч бўлади. Ана шундай вазиятда барчамиз бутун жамият бўлиб шайлик ҳолатида туришимиз керак. Шайлик бутун жамиятни янги синовларга тайёр туриши демакдир.

Шайлик кўпроқ инсон тафаккур тарзини шакллантириш, унда соғлом эътиқодни юзага келтириш, турли таҳдидларни олдиндан аниқлай олиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади. Шайлик бесабрлик эмас. Сиёсий маданият мавжудлиги, мафкуравий иммунитет мустаҳкамлиги, дунёвий ва диний илмларни шахс баркамоллиги йўлида уйғунлаштирилиши — буларнинг бари, шубҳасиз, инсонни доимо шайликда туриши кафолати деб ўйлаймиз.

Олдимиздаги юксак марраларга эришишнинг реал имкониятлари мавжуд экан, бугунги ишни эртага қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар ким “кўрпани ўзига тортадиган” замонда, ўзгаларнинг манфаатлари билан бировнинг иши йўқ даврда биздан турли таҳдидлару зиддиятларга қарши турадиган шайлик талаб этилади. Шу маънода, Гётенинг **“Ҳозирча кундуз — ҳаракат қилиб қол! Тун бошлангач, ҳеч ким қимир этмайди”** деган гапи ёдга тушади. Шунинг учун, назаримизда, ҳар бир ватандошимизнинг ўз ишига профессионал даражада ёндашувини чуқур ҳис этиши, таҳдидлар олдида шай туриши барча ютуқларимизнинг гарови, дейиш мумкин.

Ҳақиқатан, бугун дунё мамлакатлари, турли халқаро ташкилотлар мамлакатимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб турибди. Дўстларимиз тобора кўпайиб бормоқда. Нафақат минтақада, бутун дунёда юртимиз обрўси ортиб бормоқда. Бизга ишонадиганлар сафи кенгаймоқда. Буларнинг бари биздан Аллоҳнинг иноятти билан яратилган қулай имкониятдан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. Шубҳасиз, профессионаллик, масъулият ва шайлик барча ютуқларимиз омилидир.

Бугуннинг гапи

# ШАМОЛ ШУНЧАКИ ЎТИБ КЕТМАЙДИ





Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



**Табиатнинг тўрт фасли бўлганидек, ўзига хос ҳодисалари ҳам бор. Айтайлик, шамол. У нима ўзи? Илмий жиҳатдан шамолга атмосферадаги ҳавонинг ер сиртига нисбатан горизонтал ҳаракати, дея таъриф берилади. Бу кўпроқ ва узоқроқ муддат дашт ҳамда чўлда содир бўлади. Шунингдек, уста деҳқонлар шамолнинг экинлар ҳосилдорлиги ошишида катта аҳамият касб этишини ҳам айтади. Бу шамолни тутиб бўлмаганидек, табиий ҳол эканини барчамиз яхши биламиз.**

Лекин табиатнинг ана шу тутқич бермас инъоми кейинги пайтларда тасаввур қилганимиздан кўпроқ фойда келтиряпти. Бугунги ривожланган давр, техника ва тараққиёт асри аввал хаёлимизга келмаган туҳфалар улашмоқда. Бу ерда гап шамол электр станциялари ҳақида кетмоқда.

Аслида, шамолдан энергия олиш дунё тажрибасида янгилик эмас. Бундай ишларга ўтган ва ҳатто ундан олдинги асрларда ҳам қўл урилгани хусусида маълумотлар бор. Фақат бугунга келиб, бу технология ривожланиб, такомиллашди, талабга қараб оммалашмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги ҳисоботига кўра, 2023 йилда қайта тикланадиган энергиянинг глобал қуввати 2022 йилга нисбатан 50 фоиз ошган. Бу сўнгги 20 йилдаги энг юқори ўсиш кўрсаткичидир. Европа, АҚШ ва Бразилияда қайта тикланадиган қувватнинг ошиши барча даврдаги энг юқори натижани қайд этган бўлса-да, Хитойдаги ўсиш фавқулодда даражада баланд бўлган. Хусусан, ўтган йили Хитой бутун дунёда 2022 йилда қурилган қуёш фотоэлектр станцияларидан ҳам кўпроқ қувват ишга туширган, шамол электр станцияларининг қуввати ҳам 66 фоиз кўпайган.

Экспертлар фикрича, келгуси 5 йилда қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича бир неча муҳим натижага эришиш кутилмоқда. 2025 йили қайта тикланувчи барча энергия манбалари қуввати кўмирда ишлайдиган қувватларни ортда қолдиради ва энг йирик электр энергияси манбаига айланади. Шамол ҳамда қуёш электр станцияларининг ҳар бири мос равишда 2025-2026 йилларда атом электр станцияларини ортда қолдиради. 2028 йилда қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуши глобал электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 42 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Шамол ва қуёш энергиясининг улуши эса 25 фоизга етади. 2028 йилга бориб, жаҳон миқёсида ишга туширилиши кутилаётган қайта тикланадиган янги қувватларнинг деярли 60 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади.

Бу масала Ўзбекистонда ҳам долзарб бўлиб бораётгани кейинги йилларда шамол электр станциялари барпо этишга катта куч ва маблағ йўналтирилаётганида ҳам кўринади. Масалан, ана шундай илк лойиҳага Навоий вилоятининг Томди туманида старт берилган эди. Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, қиймати 600 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа БААнинг “Masdar” компанияси иштирокида амалга оширилмоқда. 293,35 гектар майдонда ўрнатилган 111 та шамол турбинасидан иборат станция 2025 йили тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 1,8 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 500 минг хонадонга узлуксиз нур етказиб берилади.

Бундан ташқари, лойиҳа туфайли 540 миллион куб метр табиий газни тежаш ва ҳар йили атмосферага 1,1 миллион тонна зарарли чиқинди чиқишининг олди олинади. Ўтган йили 27 декабрда Президентимиз мамлакатимизнинг олтита ҳудудидаги муқобил энергия ишлаб чиқарувчи станциялар фаолиятига старт берди. Улардан бири Томдидаги шамол электр станциясидир.

Шамол электр станциясидан кўпинча шамол оқими ўртача йиллик тезлиги юқори бўлган ҳамда марказлаштирилган электр таъминоти тармоқларидан узоқда — дашт ёки чўлда жойлашган электр энергияси манбаи сифатида фойдаланилади. Ўзбекистон бу борада яхши имкониятга эга. Мутахассислар юртимиздаги танланган ҳудудларда шамол айланиши кўрсаткичи дунёдаги шундай станцияларнинг ўртача кўрсаткичидан 1,5 баробар юқори эканини аниқлаган. Шу боис, охирги йилларда мазкур йўналишдаги ишлар кўлами кенгайди. Соҳага инвестиция оқими жадаллашди. Масалан, шу кунларда Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Пешку туманларида барпо этилаётган лойиҳалар ҳақида ОАВда кўп гапириляпти, ёзиляпти, кўрсатиляпти. Зотан, унинг кўлами ва салобати шунга арзийди. Гап шундаки, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси 1 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритаётган ушбу мегалойиҳаларнинг умумий қуввати минг мегаватт ёки 1 гигаваттни ташкил қилади. Бу қувват билан 1 миллионга яқин истеъмолчини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мумкин.

“ACWA Power” Ўзбекистонга сармоя киритиш бўйича етакчи хорижий компаниядир. Ҳозир бир миллиард доллар миқдоридаги лойиҳаларни амалга ошираётган компания яқин келажакда ушбу миқдорни 20 миллиард долларга етказмоқчи.

**Мамлакатимизда 2030 йилга қадар шамол электр станциялари умумий қувватини 5000 мегаваттга етказиш кутиляпти. Умумий энергетика тизимидаги “яшил” энергетика манбалари қуввати эса 27 гигаваттга етади. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага чиқадиган зарарли чиқиндилар ҳажмини 34 миллион тоннага қисқартириш имконини беради.**

— Бунинг асосий сабаби Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга қаратилаётган эътибор, қулай ва муносиб иш шароити яратиб берилаётганида, — дейди “ACWA Power” компаниясининг Ўзбекистондаги шамол электр станциялари лойиҳалари бўйича директори Алпер Караил. — Ўзбекистон компаниямизнинг асосий ҳамкорига айлангани бунинг тасдиғидир. Чунки ҳозир ҳамма кўриб, билиб турибди: юртингиз инвестиция жалб қилиш бўйича тобора жозибадор бўлиб бормоқда. Ўзбекистон анъанавий энергетикадан “яшил” энергетикага ўтиш борасида катта марраларни кўзламоқда.





Муқобил энергия бозори кенгайиб боряпти. Компания йўналтираётган сармоя туфайли мамлакатимиз энергетика тармоғининг ушбу янги йўналиши тобора ривожланяпти. Икки станциянинг ҳар бирида 79 тадан шамол турбинаси ўрнатилади. Лойиҳа ишлари бир йил олдин бошланган эди. Ҳозиргача Ғиждувондаги станциянинг ўзида 72 та турбина ўрнатиб бўлинди. Иш деярли якунига етган.

Бир қарашда одам ишониши қийин ишлар, лекин улар бугун рўёбга чиқмоқда. Ғиждувон ва Пешкудаги лойиҳалар қуввати жиҳатидан дунёдаги энг катта шамол электр станциялари сирасига киради. Битта шамол турбинасининг узунлиги 100 метр, парраклари узунлиги эса 80 метрга етади.

Мутахассислар фикрича, лойиҳа илғор замонавий технологияларга асосланган. Парраклари шамол йўналишига қараб ҳаракатланади. Ҳар иккала лойиҳа келгуси йил аввалида тармоққа уланади.

Пешкудаги шамол электр станциясида ўрнатилган шамол турбиналари сони 56 тага етди. Бу икки лойиҳа ишга туширилиши билан йилига 3,6 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 1 миллиард куб метрдан зиёд табиий газ тежалади. Шунингдек, 582 километрлик электр узатиш тармоқлари қурилиб, иккита лойиҳада ишлаб чиқарилган электр энергияси Қоракўл подстанциясига уланади. Бу икки шамол электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимига катта куч-қувват беради.

Яна бир лойиҳа доирасида 2 гигаваттлик шамол электр станцияси Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида барпо этилмоқда. Бундан ташқари, Самарқандда 1 гигаваттлик, Тошкент вилоятида 200 мегаваттлик шамол электр станциялари қуриляпти.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар шамол электр станциялари умумий қувватини 5000 мегаваттга етказиш кутиляпти. Умумий энергетика тизимидаги “яшил” энергетика манбалари қуввати эса 27 гигаваттга етади. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага чиқадиган зарарли чиқиндилар ҳажмини 34 миллион тоннага қисқартириш имконини беради. Ўзбекистон табиати, чўлу даштларида эсаётган шамол бунга муносиб ҳисса қўшади. У энди шунчаки беҳуда ўтиб кетмайди. Йўл-йўлакай нурга, ҳаёт кучига айланади.

Нуқтаи назар

# ЮКЛАР ЖОЙИГА КЕЛМАСДАН ТУРИБ ШАРТНОМА ТУЗИЛМОҚДА

Абдусамат МЎМИНОВ,
“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти бош директори

**“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ҳудуди орқали транзит юкларини ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш, шимолий йўналишда темир йўл орқали юк ташиш муддатларини 40 фоиз қисқартириш, юк ташиш хизматлари ҳажмини 3 баробар ошириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорида ҳам темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, юртимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Шунга мувофиқ, жорий йил февралда “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти ташкил этилди. АЖ зиммасига юк вагонлари ва контейнерлар хўжалигини сақлаш, логистика марказлари ҳамда терминаллари очиш каби вазифалар юклатилган.**

Замон ривожланиб, барча хизматлар глобаллашиб борар экан, ўз-ўзидан юк ташишни ҳам замонавий босқичга олиб чиқиш долзарб масалага айланади. “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти иш бошлаганига кўп бўлмади. Ўтган вақт мобайнида юк ташиш хизматлари кўрсатиш учун 200 га яқин шартнома тузилиб, 392 минг тоннадан ортиқ юк манзилига етказилди.

Шунингдек, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Россия сингари давлатлар билан экспедиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар имзоланди.





Ҳозир мамлакатимиз бўйлаб бешта — Назарбек, Самарқанд, Қарши, Денов, Бухоро юк терминалларидаги 2100 га яқин турли юк вагони орқали Навоий кон-металлургия комбинати, Деҳқонобод калий заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи каби йирик корхоналар маҳсулотлари манзилига беталафот етказиб беріляпти.

Ушбу терминалларда юк жўнатувчи ва қабул қилувчиларга транспорт логистикаси, экспедиторлик ҳамда юк сақлаш каби хизматлар ҳам кўрсатилмоқда.

Келажакда юк терминалларини ривожлантириш, модернизация қилиш, замонавий логистика марказларига айлантириш ҳамда мижозларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, комплекс хизмат кўрсатиш мақсад қилинган. Бу борада айни пайтда зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон банки томонидан тайёрланган Логистика самарадорлиги индексида 2023 йилда Ўзбекистон 88-ўринни эгаллади. Ватанимиз 2018 йилдаги ҳисоботга нисбатан кўрсаткичларини 11 поғона яхшилаган. Темир йўлларимиз халқаро ташувда муносиб ўрин эгаллаётгани, янги транспорт йўлаклари барпо этилаётгани мамлакатимиз ва минтақа иқтисодиётини ривожлантириш, дунё бозорига чиқиш имкониятларимизни кенгайтиради.

Бугунги кунда транспорт-логистика хизматлари хусусида гап кетганда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки мазкур стратегик лойиҳалар минтақадаги геоиқтисодий вазиятни бутунлай ўзгартириб, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради.

Ўзбекистон — Афғонистон — Покистонни туташтирувчи лойиҳа Евроосиё транспорт йўлагини яратишда муҳим роль ўйнайди. Натижада Марказий Осиё мамлакатлари Ҳинд океани портларига чиқиш имконига эга бўлади. Темир йўл орқали товарлар етказиб бериш муддатини 35 кундан 5 кунгача қисқартиради. Товарларни етказиб бериш нархи эса камида 40 фоиз пасаяди. Лойиҳа 2027 йил охиригача якунланиши кутилмоқда.



Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон коридорига бир вақтлар экспертлар қуруқликдаги Сувайш канали, деб ҳам таъриф берган. Чунки у Шарқ ва Ғарбни энг қисқа ва фойдали йўл билан боғлаш имконини яратади. Хусусан, Хитойдан Жанубий Европага йўналиш 900 километрга, юкларни етказиб бериш муддатлари эса бир ҳафтагача қисқартирилади.

Бу борада “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти ташкил этилгани айни муддао бўлди. Жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон мультимодал коридори орқали контейнерлар Хитойдан чегарадаги Қошғар станциясигача темир йўлда, Қошғардан Қирғизистоннинг Ўш темир йўл станциясигача автомобилда ва Ўшдан Ўзбекистон, Афғонистон ва Туркманистоннинг ички станцияларигача яна темир йўлда ташилмоқда. Энг асосийси, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида жамият томонидан талабга қараб комплекс хизматлар кўрсатиляпти. Маҳаллий ва халқаро темир йўл кодларини таъминлаш, вагон етказиб бериш, сўнгги манзилгача етказиш (first/last mile delivery), терминал, ортиш-тушириш, декларация ва бошқалар шулар сирасига киради. Фақатгина ушбу йўналиш орқали жамият томонидан апрель ойидан ҳозирги вақтгача 700 дан зиёд контейнер ташуви амалга оширилди. Натижада 500 минг АҚШ долларидан ортиқ валюта тушумлари таъминланди. Бу кўрсаткични йил якунига қадар 3000 контейнерга, валюта тушумларини 2,5 миллион долларига етказиш режа қилинган. Қирғизистон орқали мультимодал ташувлар ривожланиши халқаро даражадаги Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши қанчалар муҳимлигини англатади.

Жамият томонидан Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия ҳамда Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Форс кўрфази давлатлари коридори орқали “темир йўл — сув — темир йўл” ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон коридори орқали “темир йўл — авто — сув” йўналишларида мультимодал ташувларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жамият ташкил этилганидан сўнг тадбиркорлар билан шартномалар онлайн тузиляпти. Натижада мижознинг вақти анча тежаляпти. Энди у уйидан чиқмасдан туриб, юкни олиб кетишга буюртма бериши, керакли суммани кўчириб ўтказиши ва икки томонлама шартнома тузиши мумкин. Ваҳоланки, илгари бу ишга бир неча кунгача вақт сарфланар эди. Яъни темир йўл бекатига келиб юк жўнатиш учун шартнома олинган, расмийлаштирилган, кейин банкка бориб пул тўланган, ҳужжатларни қайта ишлаш марказига бориб, пул ўтгани тўғрисида маълумотномани олиб, кейин яна темир йўл бекатига маълумотномани берган. Ҳозир бу ишларнинг барчаси онлайн шаклда бажарилади.

Барча тарифлар нархи кўтарилаётган вақтда ҳам хизмат кўрсатиш нархи ўзгартиришсиз қолдирилди. Бу ҳам мижозлар учун яна бир енгиллик.

Жамиятимиз вагонлари билан апрель ойида 7500 тоннадан зиёд ун ва буғдой маҳсулотлари олиб кирилди, юкнинг асосий қисми Ўзбекистон орқали транзит йўл билан Афғонистонга етказиб берилди. Бундан ташқари, 4 минг тоннадан зиёд қурилиш материаллари экспорт қилинди. Май ойининг 25 кунлигида 4500 тонна юк транзит орқали импорт қилиниб, 500 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулоти экспортида иштирок этилди.

Янгича ёндашувлар

# УЧИНЧИ МАҚСАД

## ёхуд олийгоҳлар жамият келажагини қандай шакллантиради?



**Нозлия НОРМУРОДОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, филология фанлари доктори, профессор**



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон олийгоҳларининг мақсади таълим муассасаларини иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда жамият ва ишлаб чиқариш билан яқинроқ интеграциялашувга йўналтиришдан иборат. Шу боис, ушбу мақсад нафақат академик таълимни кенгайтиради, балки соҳада янада фаол ва амалий ёндашувга ўтишни ҳам ўз ичига олади. Университетлар тобора кўпроқ технологияларни қўллаш баробарида узлуксиз таълим ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасида мавқеини мустаҳкамлаб, ижтимоий эҳтиёжлар ва миллий юксалишга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

### Вазият ва муаммолар

Учинчи мақсаднинг аҳамияти тобора ортиб бораётганига қарамай, Ўзбекистон университетлари ҳали ривожланишнинг дастлабки босқичида. Кўпгина таълим муассасалари стратегик режаларига тегишли тадбирларни эндигина жорий қила бошлади. Асосий муаммолар анъанавий академик моделлардан ижтимоий эҳтиёжларга муносиб жавоб бериб, инновацияларга йўналтирилган ёндашувларга ўтишда кўринади. Яъни соҳа тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эди ва бу борада ишлар бошланди. Ҳозир тизимда ўзгаришларни амалга оширишда айрим қийинчиликлар кўзга ташланмоқда, бу табиий. Фақат ўз вақтида унга илмий асосланган ечим бериш зарурати бор.

2019 йил 18 октябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ҳужжат университетларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан яқин ҳамкорлигига қаратилган учинчи мақсадини амалга оширишнинг бошланиши бўлди.

Мамлакатимизда олий таълим қамрови ва кўлами ошиб бораётгани таълимга жиддий эътибор қаратилаётгани ва бу йўлдаги ислоҳотлар жадал давом этишини англатади. 2016 йилда ОТМлар сони 100 тани ҳам ташкил этмаган. Айни пайтда 210 дан ортиқ ОТМ фаолият кўрсатяпти. Уларнинг 116 таси давлат, 67 таси нодавлат, 30 таси эса хорижий олий таълим муассасаси. Ушбу ўсишнинг ўзиёқ олий таълим бериш имконияти ва унинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашда ортга қайтмас йўл танлаганимизни кўрсатади.

Ушбу муассасалар нафақат кўпайиб бормоқда, балки улар замон талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган турли инновацион дастурларни амалиётга тобора кенгроқ жорий этяпти. Шу орқали глобаллашган дунё талабларига мослашмоқда. Масалан, янги технологияларга йўналтирилган дастурларни жорий этиш ва саноат корхоналари билан ҳамкорлик рақамли иқтисодиёт ва ундан ташқаридаги муаммоларни ҳал қилишга қодир кадрларни тайёрлайди. Бундан ташқари, таълим муассасалари сони кўпайиши илмий тадқиқотлар ва ҳамкорлик салоҳиятимизни оширади, барқарор ривожланиш ҳамда инновацияларни қўллаб-қувватлайдиган кучли академик ҳамжамиятни шакллантиришга ҳисса қўшади. Ушбу жадал ўсиш Ўзбекистоннинг миллий ва халқаро миқёсда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга юз тутганини, рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлидан оғишмай бораётганини кўрсатади.

Ҳозирги даврда олий таълим муассасалари нафақат билим бериши, балки жамият ва амалиёт билан ҳамнафас бўлиши керак. Шу орқали иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ҳисса қўшиши зарур. Замонавий академик тузилмалар кўпинча ёпиқ бўлиб, ҳамкорлик узилиб қолган. Илмий ишлар ва тадқиқотлар таълим тизимидан ташқарига чиқмайди. Бу уларни тобора жадал тараққиётдан узиб қўяди. Қолаверса, илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳам етарли даражада эмаслиги ОТМларнинг янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш имкониятларини чеклайди. Учинчи мақсаднинг асосий элементи шу каби камчиликларга барҳам бериш, таълимни ҳаётий тараққиёт билан боғлашдир.

### Ижтимоий ва гендер тенгликни таъминлаш

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўз фаолиятида учинчи мақсад тамойилларини фаол амалга оширмоқда, шу билан бирга, барқарор ривожланиш соҳасидаги глобал ташаббусларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этмоқда. Университет халқаро рейтингларда, айниқса, гендер тенглик ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган таълим амалиёти бўйича етакчи ўринларни эгаллади. Ўтган йили гендер тенглик мезони бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ОТМси қаторидан жой олди ва жаҳон рейтингида 600-ўринни қайд этди. Бу рейтингда БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича барча 17 та мақсади баҳоланган ва ТошДЎТАУ Ўзбекистондаги энг яхши натижани кўрсатди.

Ўзбекистонда олий таълим ташкилотларининг ижтимоий инклюзивлиги янада адолатли жамиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. ОТМлар имконияти чекланганлар билан фаол ишлаб, таълим ва иқтисодий тўсиқларни енгиб ўтишга қаратилган дастурларни таклиф қиляпти.

Университет БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича бешинчи мақсадига мувофиқ гендер тенгликни таъминлашга ихтисослашган ягона веб-саҳифани ишга туширгани билан ҳам ажралиб туради. Веб-саҳифа кўнгилли аёллар ва университет талабаларини қўллаб-қувватлаш учун махсус ишлаб чиқилган. Ундан турли курслар, имкониятлар ва подкастлар жой олган.

Ушбу платформада қизларнинг академик ва касбий маҳоратини оширадиган, шахсий камол топиши ва лидерлик салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган таълим дастурлари бор. Университет таклиф этаётган ечимларнинг долзарблиги ва самарадорлигини таъминлаш учун глобал ва маҳаллий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилади, бу эса платформани гендер тенгликни тарғиб қилиш, аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтиришга интилаётганлар учун қимматли манбага айлантиради.

> **Ўзбекистон ОТМлари нафақат малакали кадрларни тайёрлайди, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам фаол ҳисса қўшиши учун таълим тизимини такомиллаштиради.**

Шундай қилиб, бу нафақат таълим веб-сайти, балки барқарор ва адолатли жамият ривожига ҳисса қўшишга тайёр бўлган раҳбар аёлларнинг янги авлодини шакллантиришга ёрдам берадиган ижтимоий ўзгаришларнинг кучли воситасидир.

### Стратегик ташаббуслар

Глобал муаммолар фонида университетлар жамиятдаги трансформацион ўзгаришларда асосий роль ўйнайди. Ушбу стратегик қайта конфигурация тадбиркорлик ва инновацияларга йўналтирилган моделни қабул қилишни ўз ичига олади. Бу ОТМга анъанавий усулдан ташқарига чиқиш ва жамоатчиликнинг сезиларли таъсирига эришиш имконини беради. Масалан, бир университетнинг етакчи маҳаллий технология компаниялари билан ҳамкорлиги углеродни камайтириш мақсадларига фаол ҳисса қўшадиган барқарор энергия ечимларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин. Ушбу ташаббуслар таълим муассасасининг илмий мавқеини мустаҳкамлаши баробарида жамият тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшишни ўз бурчи деб билишини, глобал масалаларга бефарқ эмаслигини англатади.



Шунинг ўзиёқ кўпгина университетларнинг инновацион ёндашувлари ўқув жараёни ва тадқиқотларни қандай ўзгартириши мумкинлигига ёрқин мисолдир. Ўқув жараёнига илғор технологиялар ва техника воситалари жорий этилиши минтақада ҳаёт сифатини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадиган янги билим ва ечимларни яратишга ёрдам беради.

Ушбу стратегик ташаббуслар нафақат университетнинг илмий ва таълим имкониятларини кенгайтиради, балки академик доира билан саноат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги парадигмасини шакллантиради. Хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларида иштирок этиш, шунингдек, глобал академик тармоқ билан интеграция университетнинг инновациялар ва барқарор ривожланиш соҳасида етакчи мавқеини мустаҳкамлайди.

Стратегик ва инновацион ривожланишга йўналтирилган академик муҳитнинг ушбу эволюцияси нафақат ҳозирги замон талабларига жавоб беришга, балки университетлар ижтимоий ўзгаришлар катализатори ва жамият барқарор ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучига айланадиган келажакни шакллантиришга имкон беради.



Ўзбекистоннинг таълим манзараси сезиларли ўзгаришлар ва ислоҳотларга қарамай, ўзининг учинчи мақсади — ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган қатор муҳим муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакатимиз таълим парадигмасида муаммолар ва қийинчиликлар мавжуд.

**Учинчи мақсад фаолиятини бирлаштириш**. Мазкур мақсаднинг аҳамияти тобора ортиб бораётганига қарамай, унинг фаолияти олийгоҳларимизнинг стратегик режасига қисман киритилган. Бу тўлиқ интеграция йўқлиги, университетлар фаолияти ва кенг жамоатчилик эҳтиёжлари ўртасидаги номувофиқликдан далолат беради.

**Ресурсларни тақсимлаш.** Молиялаштириш чекловлари ва инфратузилма етарли эмаслиги учинчи мақсад учун муҳим бўлган инновацион лойиҳалар ва жамоатчиликни жалб қилиш ташаббусларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Ресурсларни тақсимлашда стратегик ёндашув зарур бўлиб, узоқ муддатли ижтимоий таъсирни илмий ютуқлардан устун қўяди.

**Саноат ва академия ўртасидаги тафовутни бартараф этиш**. Университет натижаларини саноат талабларига мослаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамай, таълим ва тадқиқот натижалари тўғридан тўғри қўлланилиши, иқтисодиёт ва жамият учун фойдали бўлишини таъминлашда сезиларли бўшлиқ мавжуд. Бу бўшлиқ академик тадқиқотларнинг амалий таъсирини чеклайди ва меҳнат бозорида битирувчиларнинг самарадорлигини пасайтиради.

**Маданий ва тизимли инерция.** Таълим муассасаларида кўпинча ижтимоий фаоллик ва инновацияларни урғулайдиган янги парадигмаларни жорий этишга қаршилик мавжуд. Бу қаршилик инновацион ёки тадбиркорлик ҳаракатларидан кўра анъанавий академик изланишларни афзал кўрадиган қарашлардан келиб чиқиши мумкин.

**Таълим сифати.** Таълим муассасалари сони кўпайиши билан таълим сифатини сақлаб қолиш муҳим вазифага айланди. Агар бу жараён қатъий сифат назорати чоралари орқали бошқарилмаса, таълим муассасалари миқдори тез ўсиши академик стандартлар пасайишига олиб келиши мумкин.

**Тенглик ва қабул.** Олий маълумот олиш имкониятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамай, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлар ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун таълим имкониятларидаги фарқлар сақланиб қолмоқда. Учинчи мақсадни бажариш учун олий таълимга қабул қилишда сифат ва тенглик устувор бўлиши муҳим.

**Рақамли трансформация.** Рақамлаштириш бўйича жиддий саъй-ҳаракатларга қарамай, барча университетларда уни амалиётга татбиқ этиш кўрсаткичи баробар эмас. Рақамли имкониятлардаги фарқлар талабалар ва таълим муассасалари ўртасида бўшлиқларни келтириб чиқариши мумкин, бу ўқув жараёнининг бир хиллиги ва кириш имкониятига таъсир қилади.

**Барқарорлик амалиёти.** Барқарор амалиётни жорий қилиш глобал таълим кун тартиби учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, барқарор амалиётнинг Ўзбекистон олийгоҳларининг барча операцион ва таълим тузилмаларига интеграциялашуви давом этмоқда, бу эса ҳар томонлама стратегик режалаштиришни ва уни аниқ амалга оширишни талаб қилади.

Ушбу муаммолар Ўзбекистонда олий таълимнинг учинчи мақсадини бажаришда кўринадиган мураккаб ва кўп қиррали масалаларни кун тартибига қўяди. Уларни ҳал қилиш барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, давлат идоралари, таълим муассасалари, саноатдаги шериклар ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати орқали амалга ошади. Бу ҳамкорлик асосида Ўзбекистон ОТМлари нафақат малакали кадрларни тайёрлайди, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам фаол ҳисса қўшиши учун таълим тизимини такомиллаштиради.

### Таҳлиллар соҳа такомиллашуви учун керак

Ўзбекистондаги олий таълимнинг учинчи мақсади нафақат академик таълимни кенгайтириш, балки олий таълим муассасаларининг ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий инновациялар асосий иштирокчиси сифатидаги ўрнини қайта кўриб чиқишдир. Бу мақсад илмий инновациялар ва спин-офф компаниялар яратишдан ташқари, университетларнинг ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлмаган трансформацион салоҳиятини назарда тутади.

Ижтимоий интеграцияни яхшилаш, маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланишнинг глобал мақсадларини илгари суриш бўйича университетлар фаолиятига янги вазифаларни киритиш учинчи мақсад долзарблигини оширади.

Шу боис, янада фаол, инновацион ва ижтимоий масъулиятли академик ҳамжамиятни шакллантириш учун университетларнинг стратегиялари ва операцияларида доимий тузатишлар талаб этилади. Бу нафақат илғор технологияларни жорий этиш ва янги таълим дастурларини ишлаб чиқишни, балки ижтимоий лойиҳалар ва дастурлар орқали жамиятда фаол иштирок этишни ҳам назарда тутади.

Ушбу таҳлил учинчи мақсаднинг Ўзбекистон таълим манзараси, унинг соҳалар билан интеграциясини ўрганиш ва такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мақсад нафақат бугунги глобал муаммоларга жавоб берадиган, балки таълим, тадқиқот ва жамоат фаолияти орқали барқарор келажакнинг кафолати бўлган юқори илмий салоҳиятли кадрлар синфини шакллантиришдир.

---

Замондош

# ЧИНАКАМ БИЛИМ НАТИЖАДА НАМОЁН



**Тошкент халқаро Вестминстер университети олдидан ҳар гал ўтганимда, фарзандларим шунақа нуфузли олийгоҳларга ўз билими билан кириб олсин, деб яхши ният қиламан. Бу ерда ўқиётган талаба ёшларга ҳавасим келади. Улардан бири мазкур университетга бундан тўрт йил аввал давлат гранти асосида ўқишга кирган Аҳрор Саидовдир.**

Айримларнинг “Бунақанги олийгоҳларда билими етмаса ҳам чўнтагининг кучи етганлар ўқийди, билим билан кириш қийин”, деган гаплари асоссизлигини бугун Аҳрор сингари ёшлар амалда кўрсатяпти. Унингдек иқтидор эгалари фақат билими, ҳаракати билан ном қозоняпти.

Изланувчан бу йигитнинг, айниқса, таълим тизими ислоҳотларини қатор хорижий давлатларда тарғиб қилаётгани диққатга сазовор.

Математика, ахборот технологиялари, чет тилдан ўтган олимпиада ва танловларда мунтазам ғолиб бўлиб келган қаҳрамонимиз “InfoUrok” халқаро танловида, Ломоносов номидаги халқаро олимпиадада, “Codecraft” бўйича ташкил этилган танловларда 1-ўринни эгаллаган.

Шунингдек, у уюшмаган ёшлар билан масъуллар ўртасида тўғридан тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратишда, жойларда истеъдодли болаларнинг қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқда.

— Ўтган йил февраль ойида Ашхобод шаҳрида Туркманистон ёшларини MUN (БМТ модели) дунёси билан таништириш ва уларни MUN тармоғига улаш бўйича ўқув машғулотлари ўтказдим, — дейди Аҳрор Саидов. — Июль ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) томонидан ўтказилган ёшлар саммитида Ўзбекистон ёшлари вакили сифатида иштирок этдим. Бу улкан шараф. Қайси давлатда бўлмай, шу нарса мени дадилликка ундайди. Чет элликлар Ўзбекистон ёшлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиши учун бор кучимни ишга соламан. Айниқса, лойиҳаларимиз хорижлик тенгдошларимизда катта қизиқиш уйғотаётгани, ҳамкорлик таклиф қилаётганлари, илмли ўзбек ёшлари орасидан кўплаб дўст орттиришни ният қилганлари менга ғурур беради.

Аҳрор Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

2019 йил август ойида у “Digital Generation Uzbekistan” халқаро ҳамкорлик лойиҳаси ташкилотчилари томонидан ёш веб дастурчилар, 3D моделлаштириш, робототехника, мехатроника, мобил илова яратиш соҳаларида фаолият юритаётган ёшлар билан ташкил этилган ўқув машғулотларида фидойилик



намунасини кўрсатгани учун рағбатлантирилган.

Тил билган эл билади. Қаҳрамонимиз бўш вақтида хорижий тилларни ўрганади. Ҳозиргача инглиз, рус ва корейс тилларини мукаммал эгаллади. IELTSдан 8,5 баллни қўлга киритди.

Аҳрор каби тилни пухта билган ёшлар чет элда таҳсил олиб, ватанга қайтгач, орттирган тажриба ва кўникмасини фаолиятида кенг қўлласа, иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида сезиларли силжишлар бўлиши, янги инновациялар жорий этилиши аниқ. Бу халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда ёшларнинг фаоллиги ва ўрни қай даражада эканининг амалдаги ифодаси ҳам бўлади. Аҳрор келгусида Буюк Британияда давлат бошқаруви ва иқтисодиёт йўналишида таълим олиб, чуқур профессионал билим билан юртга қайтиш ҳамда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган.

Фарзандларимизнинг улкан салоҳиятидан унумли фойдаланиш катта ижтимоий аҳамият касб этади. Айниқса, давлат бошқарувига ватанга садоқатли, ёруғ келажакка дахлдор ёшлар жалб қилиниши янги марралар сари йўл очади, илғор ёндашувларни юзага чиқаради, жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, йигит-қизлар мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорликни ҳис қилса ва уларда фаол қатнашса, ислоҳотлар кутилган муваффақиятларни беради.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Миллат фидойилари



**Шу кунларда юртимиз кинотеатрларида “Баҳодир Ялангтўш” фильми намойиш этилиб, томошабинлар томонидан яхши кутиб олинмоқда. Кинотанқидчилар ҳам фильм ўзбек киносида янги воқелик бўлганини таъкидлаётир. Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳали тўла юз очмаган саҳифалар саналган XVI-XIX асрлар узоқ йиллар давомида тарих ўқирманларига энг қора ва турғун бир давр сифатида кўрсатилган ва табиийки, ҳозир шундай даврлар сифатида гавдаланади.**

# Баҳодир Ялангтўш ким бўлган?

Зеро, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида юксак даражада ривожланган минтақамиз қиёфасида кейинги асрларда юз берган воқеликлар ва сиёсий курашлар бир оз майда кўриниб қолади. Аслида, фильмда жараёнлар акс этган замонларда ҳам ўша давр ва жамиятда мустаҳкам иродали давлат ҳукмдорлари, ақли зако, донишманд амалдорлар, юртпарвар ва мард ўғлонлар бўлган. Оққан дарё оқмай қолмас экан, Амир Темур ва темурийлар давридаги муҳит ҳам сокинлик билан бўлса-да, давом этиб турган.

### Ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини яратади

Буюк саркарда, давлат ва жамоат арбоби Баҳодир Ялангтўшни курашлар, бошбошдоқлик, майда сиёсий курашлар даври катта майдонга чиқарганди. Хўш, Баҳодир Ялангтўш ким ўзи?

Шонли, кўплаб улуғ саркарда ва улкан салтанатлар бунёд этган ҳукмдорларга эга давлатчилик тарихимизда унинг тутган ўрни қандай?

Шу кунларда намойиш этилаётган киноасарга нега бу сиймо қаҳрамон сифатида танланди ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда унинг ҳаёт йўли аҳамияти нечоғлиқ?

Баҳодир Ялангтўш замин сайқали Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёдкори, Регистон ансамблини юзага келтирган давлат ва жамоат арбоби сифатида таниқли.

Манбаларда, жумладан, Маҳмуд ибн Валининг 1634-1641 йилларда яратилган “Сирлар денгизи” (“Баҳр ал-асрор”) асарида унинг исми Хатой Баҳодир бўлгани ҳақида маълумот келтирилади. Айтишларича, у душманга қарши жангларда ҳеч қандай совут тақмай, қалқон тутмай, кўксини очиб майдонга тушгани учун Ялангтўш лақабини олган.

У 1576 йилда Нуротада дунёга келган ва Баҳодир Ялангтўш номи билан машҳур бўлади. Кейинчалик Аштархонийлар даврининг йирик ҳарбий вакили ва Самарқанд ҳокими сифатида ном қозонади. Нурота ҳокими оиласида дунёга келган бу шахс 1626 йилдан бошлаб Самарқанд ҳокими ҳам бўлган.

У Бухоро хони Абдуллахон II ҳузурига келиб, 1590-1593 йилларда махсус ҳарбий мактабда таҳсил олган. Донишманд, мард, жасур, ҳалоллиги ортидан Аштархонийлар орасида ном қозониб, бирин-кетин лавозимларга тайинланади.

Баҳодир Ялангтўш турли йилларда Булунғур, Лойиш, Каттақўрғонда туманбоши бўлган. Хон Имомқулихон уни 1595-1598 йилларда Бағдодга ўқишга юборади.

Мамлакат тақдири учун ёшлигидан жонкуяр бўлган Баҳодир Ялангтўш 1611 йилда Имомқулихонни тахтга ўтқазишда фаол қатнашган. Шундан сўнг Ялангтўш Баҳодирнинг мавқеи янада ортган. У Самарқандни 1626 йилдан амалда мустақил идора эта бошлаган.

Баҳодир Ялангтўш Бухоро хонлигининг барча ҳарбий амалиётларида фаол иштирок этган. Жумладан, 1623-1631 йилларда Эрон қўшинлари асрлар давомида Туроннинг бир бўлаги бўлган Балх вилоятига бостириб келганида вилоят ҳокими Надр Муҳаммадхонга Баҳодир Ялангтўш бошчилигида катта қўшин ёрдамга келган.



1640 йилда Имомқулихон Москвага элчилар орқали нома йўллаб, унда Рус давлатининг қалмиқларга қарши курашида Баҳодир Ялангтўш бошчилигида ёвқур амирларни ва катта қўшинни юборишга тайёр эканини ҳам билдирган. 1642 йилда Имомқулихоннинг кўзи кўр бўлиб қолганда Баҳодир Ялангтўш ва бошқа амирлар Балхдан Надр Муҳаммадни келтириб тахтга ўтқазган.

Баҳодир Ялангтўш оқил, одил ва юртпарвар бўлиши қаторида мамлакатда хондан кейинги энг бадавлат шахс эди. У Бухорода 1645 йилда Надр Муҳаммадхон билан низолашиб қолади. Хон Ялангтўшнинг яхшилигини унутади. У хонга қарши Хўжандда кўтарилган исёнга бошчилик қилган. Бухородан исённи бостириш учун юборилган Абдулазиз султонни асир олиб, Бухорога юриш қилган. Бухоро ғарбидаги Оқтепа мавзеида улар Абдулазизни хон деб эълон қилиб, сўнгра пойтахтни ҳам қамал қилган. Надр Муҳаммадхон қамалдан сўнг шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади ва бобурий Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўрайди. 1646 йилда Шоҳ Жаҳон Балхга кенжа ўғли Муродбахш бошчилигида катта қўшин жўнатади.

Мазкур қўшин Балх вилоятига келаркан, уни ҳимоя қилиш ўрнига босиб олган. Бу ҳам Ялангтўшга ёқмаган. Бобурийлар Балхда 2 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган, бироқ у ерда мустаҳкам ўрнаша олмаган. 1648 йил ёзида Абдулазизхон 200 минг кишилик қўшин билан Балхга юриш қилиб, бобурийлардан бу вилоятни қайтариб олган, қўшин таркибида моҳир саркарда Баҳодир Ялангтўш бошчилигидаги аскарлар бўлган.

### Улкан бунёдкорликлар ташаббускори

Ялангтўш Шердор ва Тиллакори мадрасаларидан ташқари Махдуми Аъзам масжиди, хонақоси ва бошқа иншоотларни ҳам қурдирган.

Регистоннинг бугунги кўринишида Баҳодир Ялангтўшнинг ҳиссаси катта. Унинг кўрсатмасига кўра, 1619 йилда шоҳ ва аллома, астроном Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган Улуғбек мадрасаси рўпарасида худди шундай услубда янги мадраса қурилиши бошланади. 15 йилдан ортиқ вақт давом этган қурилиш сўнгида ҳар жиҳатдан машҳур Улуғбек мадрасасига уйғун янги меъморий обида қад ростлайди. Дастлабки қурилган мадрасанинг Шердор деб аталишига сабаб эса унинг пештоқида инсон юзи акс этган қуёш ва шер тасвиридир.

Бу тасвир мустақиллик йилларида миллий валютамизда ҳам акс этди. Айни пайтгача пештоқнинг икки томонида симметрик тарзда акс этган қуёш, шер ва оҳу тимсолларини мутахассислар турлича шарҳлаган.

Мутахассислар фикрига кўра, мадраса қурилиши қуёш ҳамал буржида турган пайтда бошланиб, арслон буржига кирган пайтда якунига етгани учун ана шундай тимсоллар мадраса пештоқига туширилган.

Шердор қуриб битказилгач, Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўш мавжуд икки мадраса мажмуа сифатида ҳали номукаммалдек туюлади. 1546 йилда ҳоким буйруғи билан учинчи иншоот — Тиллакори мадрасаси қурилиши бошланади.

Бу мадраса қисмларида ишланган нақшлар устидан тилла суви юритилгани учун мадраса тиллакори, яъни “тилладан ишлов берилган” деб аталган. Бир замонлар “Регистон” — “қумлоқ жой” бўлган манзил чин маънода бугун дунёга шу номдаги муҳташам ансамбль сифатида маълуму машҳур.

Ҳар учала мадраса биргаликда ўзига хос яхлитликни, уйғунликни ташкил этади. Мадрасалар турли даврларда қурилган. Улуғбек мадрасаси Шердор ва Тиллакоридан қарийб икки аср олдин қурилганига қарамай, ансамбль ижодкори Баҳодир Ялангтўш заколиги ортидан ушбу мажмуа бир пайтда ягона меъморий ечим асосида қурилгандек ҳайрат ва таассурот уйғотади.

Баҳодир Ялангтўш 1656 йили 80 ёшида Самарқандда вафот этади. Абу Тоҳирхўжанинг “Самария” асарида ёзилишича, Баҳодир Ялангтўшнинг қабри Самарқанд яқинидаги Даҳбед манзилида, Махдуми Аъзамнинг оёғи остида, мозор девори ичида. Кейинчалик Баҳодир Ялангтўшнинг икки қизи — Иқлимабону ва Ойбибининг қабрлари ҳам шу ердан ўрин олган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, “Баҳодир Ялангтўш” фильми орқали гавдалантирилаётган бу шахс нафақат йирик давлат ва жамоат арбоби, моҳир саркарда, балки улкан бунёдкорлик ишлари ташаббускори ҳамдир. Унинг давридаги Самарқанд архитектураси ва шаҳарсозлигидаги ноёб ифодалар беш асрга яқин вақт давомида кишиларни ҳайратлантириб келмоқда.



**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Шукрона



# РАЪНОХОН АЯ ҲАЖГА ОТЛАНДИ

## Қишлоқ аёлига эҳтиром намунаси



**Юртимизга пишиқчилик мавсуми кириб келди. Айни паллада Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Хитой маҳалласига кириб борсангиз, оқ марварид каби офтобда тобланиб пишган тут шодалари, ёқутдек терилган қўқон гилосларию энди ранг кириб, олтиндек товлана бошлаган ўрикни кўриб завқланиб кетасиз. Ҳар бир ҳовли остонасидаги райҳонлару жамбилларнинг хуш бўйидан бошингиз айланади.**

Маҳалланинг кайвони момоларидан Раънохон ая Халилованинг эшигидан аста мўралар эканмиз, саришта ва файзли ҳовли айвонидаги сўрида жамулжам ўтирган хонадон аъзолари дарҳол сергак тортди. Меҳмон келса, жонини ҳам тўшайдиган халқимизнинг ажойиб удумлари бор-да... Бир зумда дастурхонни ҳовлида пишган мевалару тандирда ёпилган қаймоқли нон ва сомсалар билан тўлдиришди.

— Вой, ўзим айланайлар, кела қолинглар. Аллоҳга шукр, ҳаж зиёратига кетаётганимни эшитиб, барча қадрдонларим, танишларим бирин-кетин кириб келяпти. Сиз, азиз меҳмонларнинг ҳам ризқингиз бор экан. Биргалашиб тамадди қилиб, суҳбатлашамиз-да, ўргилайлар, — дея мулозамат қилди Раънохон ая.

— Аяжон, маҳаллангиз жуда файзли экан...

— Ҳа, болам, бу файз одамларимизнинг меҳру оқибатидан, меҳнаткашлигидан... Маҳалладошларимнинг барчаси турмушидан рози. Айниқса, аёлқизларимизнинг деҳқончилиги, тадбиркорлиги, ҳунармандлиги билан ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганидан жуда хурсандман. Маҳалламизда бўш ўтирган бирор аёл ҳақида эшитиб қолсак, дарҳол кайвонилар биргалашиб ўша хонадонга бориб суҳбатлашамиз, маслаҳат берамиз. Бугун маҳалла тизимидаги ўзгаришларни тушунтирамиз...

Раънохон ая билан гаплашар эканмиз, даста гул тутган қизлару дастурхон кўтариб олган келинлар момолар бошчилигида кириб келди.

— Вой, Хизрни йўқласам бўлар экан. Энди сиз ҳақингизда мухбир қизларимга гапириб бераётган эдим, — дея Раънохон ая кўзи порлаб уларга пешвоз чиқишга шошилди. — Эсингиздами, ўтган йили узум пишиғида Президентимиз хонадонимизга ташриф буюрган эди. Ўшанда “Сизни ўз ҳисобимдан катта ҳаж зиёратига жўнатаман”, деганида қулоқларимга ишонмаган эдим. Туш кўряпман деб ўйладим. Мана, Аллоҳнинг карами билан давлатимиз раҳбарининг ваъдаси туш эмаслигини, бир-икки кундан сўнг ҳажга йўл олишимни ҳис қилганим сайин қувониб кетяпман. Турмуш ўртоғим билан тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳалол меҳнат ва пок эътиқод билан яшаган инсон Яратганнинг мўъжизаларига гувоҳ бўлар экан. Давлатимиз раҳбарининг мендек қишлоқ аёлига, ўзбек онасига эҳтиромидан бошим кўкка етди!

— Эсимизда, онажон, — дейди аянинг қизи Дилоромхон. — Ўша куни “Болаларим, нафақат оёқ-қўлларим, балки юрагим титраб кетяпти қувонганимдан, мен қандай суҳбатлашар эканман-а?” деб гапиролмай қолгандингиз. Президентимиз билан кўришиш, гаплашиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Сиз бахтли инсонсиз!

— Тўғри айтасизлар, ўша куни қаттиқ ҳаяжонланганимдан кўнглимга тугиб қўйган кўп гапларим ёдимдан кўтарилиб қолди. Давлатимиз раҳбарининг ислоҳотлари туфайли юртдошларимиз, айниқса, фарзандларимиз, набираларимиз биздан кўра ўн баробар, юз баробар яхши яшаётгани учун миннатдорлик билдирмоқчи эдим. Мана ҳозир бир набирам Германияда ўқияпти. Яна бири чет тилини яхши билгани учун халқаро танловда ғолиб бўлди. 25 июнда чет элга саёҳатга кетяпти. Набираларимнинг ҳар бир ютуғини, бахтдан чақнаган кўзини кўриб, бугунги ислоҳотларнинг қанчалар одилона эканидан хурсанд бўламан. Ўзбек халқи ўз билими ва салоҳияти билан дунё майдонига кириб бораётганидан далолат эмасми бу?! Дунёдаги кўп инсонлар бориб, эзгу ниятини Яратгандан сўрайдиган муқаддас зиёратгоҳда юртимизга тинчлик ва фаровонлик, Президентимизга эса узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оламшумул ислоҳотларига бардавомлик, юртдошларимизга эса айни ғанимат кунлар қадрига етиб, биргаликда янги Ўзбекистонимизни қуриш, меҳнат қилиш, руҳан юксалиш бахтини сўрайман!

> **— Эсимизда, онажон, — дейди аянинг қизи Дилоромхон. — Ўша куни “Болаларим, нафақат оёқ-қўлларим, балки юрагим титраб кетяпти қувонганимдан, мен қандай суҳбатлашар эканман-а?” деб гапиролмай қолгандингиз. Президентимиз билан кўришиш, гаплашиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Сиз бахтли инсонсиз!**

Доно халқимиз “Бирники мингга, мингники туманга”, дея бежиз таъкидламаган. Бугун дунёни зир титратиб турган қай бир хавф, қай бир иллатга назар солманг, барчаси парокандалик, бирбирини қўллаб-қувватламаслик туфайли содир бўлаётганини англайсиз. Шундай экан, Раънохон ая дуо қилганидек, бирлигимизга, аҳиллигимизга кўз тегмасин!

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1906.
44065 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулечеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:20 Топширилди — 23:30